

Бир бор экан, бир йўк экан, кадим ўтган замонда бир бой савдогар яшаган экан. Унинг уч кизи бўлиб, хаммаси чиройли, айникса, кенжаси гўзалликда тенги йўк экан. Ота ўз кизларини жуда яхши кўрар экан. Энг кичигини эса катталаридан ҳам кўпрок яхши кўрар, киз ҳам отасига ниҳоятда меҳрибон экан.

Кунлардан бир куни савдогар узок сафарга, денгиз ортига жўнайдиган бўлибди ва кизларини чакириб шундай дебди:

– Мен савдо ишлари билан олис-олис ўлкаларга кетаман, канча вақтда қайтишимни ўзим ҳам билмайман. Агар мен йўк пайтда ўзларингни яхши тутсангиз хоҳлаган нарсангизни совга қилиб олиб келаман. Сизларга уч кун муҳлат, яхшилаб ўйлаб, кейин айтасизлар. Опа-сингиллар уч кечаю уч кундуз ўйлашибди ва ниҳоят отасининг ёнига келишибди.

Тўнгич киз отасига таъзим қилиб шундай дебди:

– Отажон! Менга кимхобу парча кийимлар ҳам, дуру жавахирлар ҳам эмас, шундай тиллакош олиб келинг-ки, ундаги кимматбаҳо тошларнинг ёруғи худди ой ва қуёшниқайдай бўлсин, қоронги кечада ҳам атрофни чарогон қилсин.

Савдогар ўйланиб қолибди, кейин шундай жавоб берибди:

– Майли, кизгинам, олиб келаман. Сен айтгандай тиллакош денгизнинг нариги тарафидаги бир маликада бор. У тош омборда яшириб қўйилган. Омбор баланд қоя устида, учта темир эшиги бор ва учта қулф солинган. Бир танишим уни олиб бера олади. Қанча кийин бўлсаям, сен учун ҳаракат қиламан.

ўртанча киз отасига таъзим қилиб:

– Отажон! Менга парча-ю духоба матолар, кимматбаҳо мўйналар, марварид тақинчоклар ва яракловчи тиллакош керак эмас. Шарқ биллуридан ясалган кўзгу олиб келингки, унга қараб бутун дунёни томоша қилиш мумкин бўлсин. Унга қараганим сари кексаймасдан кун сайин ёшарайин ва хусним орта борсин.

Савдогар бу сўзлардан кейин анчагина ўйланиб қолибди. Ниҳоят шундай дебди:

– Сен қайси кўзгуни айтаётганингни тушундим, кизим. Олис ўлкада бир танишим бор, ўша топиб беради. Кўзгуни ойнаи жаҳон дейишади, Эрон шохининг кизиники. У баланд тоғ устидаги, тошдан ясалган қулбада яширинган. Етти қават темир эшик, етти қулф билан маҳкамлаб ташланган.

Навбат кенжа кизига келибди. У ҳам отасига таъзим қиларкан, қуйидаги сўзларни айтибди:

– Менга-чи отажон, чиройли либослар-у, тақинчоклар, тиллакош-у ойнаи жаҳон ҳам олиб келманг. Шундай бир олов гул келтиринг-ки, етти иқлимда ундан чиройлиси бўлмасин.

Ота аввалгидан ҳам кўпроқ ўйга толибди. Ахири кизини эркалаберкалаб, шундай дебди:

– Ҳа, сен менга опаларингникидан ҳам кийинроқ вазифа юкладинг. Нима излаётганингни билсанг-ку, бир амаллаб қидириб топарсан, аммо билмаган, эшитмаган нарсангни-чи, қаердан топасан? Кизил гуллар қўп бўлса .. Унинг дунёдаги ҳамма гуллардан чиройлироқ эканини қандай қилиб билиш мумкин. Майли, кизим, ҳаракат қиламан.

Шундай қилиб, ота сафарга жўнабди. Молларни арзон олиб, киммат сотибди. Қўрган фойдасига тилла харид қилиб уни кемага ортаркан-у ўйга жўнатаркан. Юриб-юриб жуда қўп мамлакатларни кезиб, катта кизи тайинлаган кимматбаҳо тошлар билан безатилган, қоронгу тунни кундуздек ёритиб юборадиган тиллакошни топибди.

ўртанча кизи учун ҳам бутун жаҳонни намоёниш қилувчи, унга қараганда кизнинг гўзаллиги янада ортувчи кўзгуни топибди. Фақат кенжа кизи айтган олов гулни ҳечам

топа олмасмиш. Тўғри, шохлар, кирол ва султонларнинг саройларида чиройини сўз билан тасвирлаб бўлмас ажовиб олов гулларни кўп қорибди. Лекин ҳеч бир киши ундан ҳам чиройлиси дунёда йўқлигига қафолат бермас экан.

Савдогар ўз хизматкорлари билан бирга қарвонини бошлаб, чўлу биёбонлар, ўрмонлар оша кетаверишибди. Иттифоқо унинг қарвонига қароқчилар тўдаси хужум қилибди.

Савдогар тўла мол-мулк ортилган қарвонни ҳам ташлаб, ўрмон ичига қочибди. Калин ўрмон оралаб йўл юрибди, йўл юрсаям, мўл юрибди. Бир вақт қараса, дарахтларнинг ўзи четга сурилгандай очик жой пайдо бўлганмиш. ўша яйловнинг ўртасида каттақон қаср ялтираган безақлардан хатто офтоб ҳам уялар даражада гўзаллигидан кўз қамашармиш. Қасрнинг ҳамма деразалари ланг очик, у ердан ажиб қуй таралармиш.

Савдогар очик дарвозадан ўтиб, қасрнинг кенг ховлисига қирибди. Йўлак оқ мрамрдан икки четида катта қичик фавворалар, қизил гилам тўшалган зинадан кўтарилиб биринчи хонага қирса, ҳеч қим йўқ. Иккинчи, учинчи...ўнинчи хонаям бўм-бўш. Лекин улар шунақа зўр безатилганки... Ҳаммаси тилла-ю қумуш, биллурдан, фил суягидан.

Савдогарнинг хайрати борган сари ошарди. Бунчалик дабдаба, катта бойлик, аммо на эгаси, на хизматкорлар бор. Тинмай мусика янграйди яна.

“Ҳа, барчаси яхши-ю, фақат ейдиган бирон нарса йўқ экан-да”, хаёлига шу фикр келди дегунча, олдидан очил дастурхон пайдо бўлибди. Ундаги лаззатли таомлар, ширинликлар фақат тилла-ю қумуш идиш-товокларга чиройли қилиб сузиб қўйилган экан. ўтириб олиб маза қилиб қорини тўйдирибди савдогар. Ниҳоят туриб, нон-туз учун раҳмат айтай деса, яна ҳеч қим йўқ.

Дастурхон эса бирдан гойиб бўлибди. Бундай мўжизага анқайиб қолган савдогар тагин хоналарни айлана бошлабди. Чарчаганидан уйқу босибди. “Қани энди бирпас мизгиб олсанг”, дея ўйлашга улгурмай, қаршисида нақшинқор қаравотни қўрибди.

Қўрпа-тўшаклари оппоқ, оккуш пати солинган ёстик бўлса юмшоққина. Қаравотга ёнбошлаган савдогар устига қўрпани тортар экан, унинг харир шойи матодан қилинганини хис қилибди. Хона қоронгилашиб, “Қани энди қизларимни тушимда қўрсам эди” деб хаёлидан ўтказибди-ю уйқуга кетибди.

Уйгонса, тонг отиб, қуёш қикқан экан. Тушида қизларини қўрганмиш. Икки катта қизи хурсанд-у, фақат қенжаси хафа эмиш. Катталари отанинг фотихасини қутмай, бадавлат қуёвларга турмушга қикишмоқчи, қичиги бўлса отаси қайтмағунича қуй ов хақида эшитишни ҳам истамаётган эмиш. Бу тушдан савдогар хайрон бўлибди.

ўрnidан турибди: ювинишга сув, қийинишга охорли либослар тайёрлаб қўйилган. Стол устида чой, қахва, шақар. Хайрати борган сари ортиб, яна қасрдаги хоналарни томоша қилишга тутинибди.

Кечагидан ҳам гўзал экан. Ховли ва богда сайр қилгиси қелибди. Қичиб айланиб юрса, дарахтларда сарқил мевалар пишиб етилган, “Мени қизиб ол” дегандек имлайди.

Чор-атрофда анвойи гуллар, хушбўйлигидан бош айланади. Жаннати қушлар сайраган... Хуллас, савдогарнинг димоғи чоғ. Бирдан ям-яшил тепалик устида очилиб турган гулга нигоҳи тушибди. Унинг гўзаллигини таърифлашга тил ожиз эмиш. Гулга яқинлашган савдогар ажабланиб, ўзига-ўзи:

– Мана, қенжа қизим айтган гул шу бўлиши қерак! - дебди.

Хатто оёқ-қўллари қалтираб кетибди. Шартта гулни қизиб олибди. Шу захоти тўсатдан қачмоқ қақиб, момақалдиқок гумбурлабди. Хатто оёғи остидаги ер ларзага қелибди. Хайвон десанг, хайвон эмас, инсон десанг инсон эмас, бадбашара ва қўрқинқили бир махлуқ ердан қикқандай пайдо бўлибди-да, ёввойи овоз билан бақира кетибди:

– Нима килиб кўйдинг? Менинг энг яхши кўрган гулимни узишга кандай журъат этдинг? Уни ахир кўз корачигидай саклар эдим, унга караб юпанардим. Сен мени энг севимли нарсамдан жудо килдинг. Бу касрнинг, бўгнинг хўжайини менман. Сени азиз мехмон каби кабул килдим, тўйдирдим, дам олдирдим. Эвазига килган яхшилигинг шуми? Билиб кўй, бу айбинг учун сен факат ўлимга махкумсан?

Савдогар махлукнинг оёқларига йикилибди:

– Бир кошик конимдан кечинг, жаноби олийлари! Билмай килган гунохим учун ўлимга буюрманг! Икки огиз арзимни эшитсангиз. Менинг уч кизим бор. Уларга совга олиб боришни ваъда берганман! Катта кизимга ялтирок тиллакош, ўртанчасига ойнаи жахон, кичигига эса дунёдаги энг чиройли олов гул. Катта кизларимга улар айтган совгани топдим-у энг яхши кўрган кенжа кизимга роса излаб тополмаган эдим. Сизнинг богингизда ана шу гулни кўрдим, дунёдаги барча гуллардан энг чиройлиси шу деган фи крга келдим. Кейин яна ўйладимки, сиздай бадавлат, кудратли хўжайин уни кизгонмасангиз керак. ўрнига нимани тўла десангиз тўлайин, факат мени севимли кизларим олдига кўйиб юборинг, илтимос. Билмай килган гунохим учун кечиринг.

– Менга сенинг хеч нарсанг керак эмас. Майли олов гулни совга килиб кўйиб юбораман. Факат бир шартим бор. Унинг эвазига кизларингдан бирини менинг хузуримга юборишга сўз берасан. Уни сира хафа килмайман, ўзинг кўрганингдек, бу касрда хохлаганича яйраб яшайди. Ёлгизликдан зерикдим, менга шерик керак.

Савдогар бу сўзларни эшитиб, махлукнинг оёқларига ётиб, ялинди-ёлворди. Ахир унинг шундай хунук башарасига гўзал кизларини кандай раво кўрсин? Кўзларига ёш тўлиб аянчли овозда шундай дебди:

– Эй, ўрмонлар, денгизлар шохи! Агар кизларим ўз хохиши билан олдингизга келмаса-чи? Кейин кандай келишнIAM билмайди. ўзим икки йилда етиб келганман, йўлни ҳам йўкотганман.

Махлук бўлса яна гапирибди:

– Йўк, менга асира киз керак эмас. Агар сени хурмат килса, кизинг ўз розилиги билан келсин. Улар иштасмаса, яна ўзинг келасан. ўшанда сени катл этишга буюраман. Мени топиш эса кийин эмас. Мана бу узукни ол, уни ўнг кўлингнинг жимжилогига таккан киши кўз очиб юмгунча истаган жойида пайдо бўлади. Хуллас, сенга уч кеча-ю, уч кундуз мухлат!

Савдогар йиглаб-йигалб шундай карорга келибди: яхшиси бир марта кизларимни кўрай, уларга ок фотиха берай. Агар мени ўлимдан саклаб қолишга рози бўлишмаса, начора ўзим кайтаман. Шундай килиб, махлук берган узукни ўнг жимжилогига таккан экан, бир зумда ўз уйининг ховлисида бўлиб қолибди. Худди шу пайтда, тилла-ю сархил моллар ортилган карвони ҳам етиб келган экан. Хизматкорлар юкларни туширишибди. Кизлар хурсанд бўлиб отага пешвоз чикибдилар. Карасалар отанинг кайфияти ёмон. Катта кизлар ундан: нима бўлди, молу-давлатингизни йўкотдингизми, деб сўрашибди. Кичик кизи эса: “Мени бойлик кизиктирмайди, юрагингиздаги дардни айтинг, отажон” дебди. Шунда савдогар севикли кизларига караб шундай дебди:

– Йўк, бойлик йўкотмадим, аксинча 3-4 баробар кўп фойда кўрдим. Хафалигимга бошка сабаб бор, уни эртага айтаман. Келинлар, бугун хурсандчилик килайлик.

Шундай деб темир сандикларни келтиришни буюрибди. Ота катта кизига олиб келган совгани – ўтда ёнмас, сувда зангламас тиллакошни берибди. ўртанчасига ҳам шарк биллуридан ясалган кўзгуни совга килибди. Кенжасига ўзи сўраганидек олов гул. Катталари кувончдан кўзлари порлаб, совгаларни хоналарига олиб кириб кетишибди-да,

тўйиб-тўйиб томоша килишибди. Факат кичик киз олов гулни кўриб йиглаб юборибди, гўё юрагига бир нарса санчилган каби калтираб кетибди. Отаси:

– Ха, кизим? Совгам ёкмадими? ўзинг айтганингдек, ети иклимда йўк, энг чиройли гулку, - деган экан, киз гулни олибди-ю отасининг кўлларини ўпиб, рахмат айтибди, аммо гамгин тортиб қолибди.

Шундай килиб оила биринчи кунни катта хурсандчилик билан ўтказибди. Эртасига эрталаб савдогар катта кизини ёнига чакирибди. Унга бўлиб ўтган воқеаларни бир бошдан сўзлаб берибди-да, кизидан “Мени ўлимдан олиб қолишга рози бўлармидинг?”, деб сўрабди. Катта киз махлук олдига кетишни жиддий рад килибди:

– Кизил гул ким учун олиб келинган бўлса, ўша кутқарсин - дебди.

Кейин ўртанча киз билан ҳам худди шундай суҳбат бўлиб ўтибди. У ҳам опасидай жавоб берибди. Нихоят савдогар кенжа кизини чакирибди. Унга бошидан ўтган саргузаштларни окизмай-томизмай сўзлаб берибди. Хали гапини тугатмай туриб, кичик киз отасининг олдига чўккалабди.

– Менга ок фотиха беринг отажон, ўша махлукнинг уйига бориб яшайман. Ахир гулни мен учун олиб келдингиз, сизни мен ўлимдан кутқаришим керак.

Савдогар кўзлари ёшга тўлган холда шундай дебди:

– Кизгинам, эркатоим. Мени ажал чангалидан олиб қолиб, ўз хошининг билан дахшатли махлук ёнига кетаётганинг учун сени Худонинг ўзи ярлакасин. Унинг касрида бекаму кўст яшайсан. Лекин каср каерда эканини ҳеч ким билмайди. Унга отлик ҳам, пиёда ҳам, учқур куш ҳам ета олмайди. Энди сен билан хабарлаша олмасак керак. Сенинг гўзал юзингни кўрмасдан, майин овозингни эшитмасдан, колган умримни қандай ўтказаман асалим? ўзимни тириклай ерга кўмган каби умрбод хайрлашаман.

Кенжа киз отасига қараб:

– Хафа бўлманг отажон. Махлукдан кўркмайман, унга виждонан хизмат қилсам, зора қўйиб юборса. Балки кўришиб ҳам қолармиз – дебди.

Ота барибир гамгин экан. Опалари ҳам йиглаб-йиглаб кичик синглисини кузатишибди. ўзи эса йигламас экан. Кизил гулни тилла суви югиртирилган чиройли кўзага солибди-да, ўзи билан олиб кетиш ниятида, номаълум томонга отланибди. Уч кеча-ю, уч кундуз ҳам ўтибди. Савдогар кизнинг кўлига махлук берган узукни таккан ҳам экан-ки, ўша захоти у гойиб бўлибди.

Бир зум ўтмай киз ўзига келиб қараса, бир мухташам касрда, накшинкор қаравотда партўшаг-у парёстикда ётган эмиш. Гўё бутун умр шу ерда яшаган-у дам олиш учун бир оз ёнбошлагандай. Киз ўрнидан турибди. Ёнгинасида кўзадаги олов гули, ҳамма буюмлари эса чиройли столлар, тоқчалар устига тартиб билан тахлаб қўйилган. У касрни айланибди: ҳар бир хона аввалгисидан ҳам гўзалроқ безатилган экан. Кизил гулни кўлига олиб, боғни томоша қилгани чиқибди. Жаннатмисол боғда булбуллар сайраган, дарахту гуллар унга эгилиб салом берар, фаввора-ю булоқлардаги сув ёкимли шилдирар экан. Киз отаси айтиб берган тепаликни топибди, гулни худди ўша ўзи ўсган ерга қайта экиб қўймоқчи бўлган экан, хали бу ҳақда ўйлаб улгурмасдан олов гул кўлидан чиқиб, ўзи учиб бориб, узилган жойи-бандига кўнибди-да, аввалгидан ҳам чиройли очилиб, яшнаб кетибди.

Киз бундай мўжизадан акли лол қолибди. Яна бир оз гулга хавас билан тикилиб, каср ичига қирса, хоналардан бирида дастурхон тузаб қўйилган экан.

“Хўжайин мени яхши қабул қилди шекилли” деб энди ўйлаган экан, рўпарасидаги ок мрамор деворда шундай ёзув пайдо бўлибди:

Мен хўжайин эмас, сенинг оддий кулингман. Маликам сен нимани истасанг, ўша захоти мухайё киламан.

Киз ўкиб бўлиши билан девордаги алангали сўзлар йўқолибди. Энди ўзи отаси, опаларига мактуб йўллагиси келибди, ўша захоти олдида коғоз, тилла калам-у сиёҳдон пайдо бўлибди, ўтириб кўйидаги хатни ёзибди:

“Мен ҳақимда хавотирланманг. Махлукнинг касрида худди маликалардай яшайман. ўзини кўрмадим хали, овозини ҳам эшитганим йўқ. Фақат ок мрамар деворга шундай ўтли сатрларни ёзадики... Кўнглимга келган ниятни дархол сезади ва ўша захоти истагимни бажаради. Мен уни хожам деб атамокчи бўлсам, хохламайди. Аксинча мени ўзининг бекаси деб атайди”.

Хатни энди ёзиб бўлган экан ҳамки, у гойиб бўлибди. Дастурхон турли ширинликлар билан безатилибди. Идиш-товоклар ҳам тилладан экан. Тўйгунича еб-ичибди. Дам олиш учун ён бошласа, мусиканинг овози пасайибди.

Киз ухлаб туриб, яна богларни сайр қилибди. Гуллар унга таъзимда, олма-ю шафтолилар ўзи оғизга тушади. Кеч киргач ўша ок мрамар деворли хонага қайтибди. Деворда шундай ёзув пайдо бўлибди:

Мислзис бекамнинг ушбу шароитлардан, меҳмондорчилик ва хизматдан кўнгиллари тўлдимикин?

Савдогарнинг кизи хурсанд бўлиб гапирибди:

– Мени бекам деманг. Аксинча менга ширинзабон ва гамхўр-меҳрибон хожа бўлинг. Сизникидай гўзал хоналар-у богларни умримда кўрмаганман. Қандай қилиб кўнглим тўлмасин ахир?

Шу тахлит кунлар ўтаверибди. Сохибжамол киз касрда хотиржам яшайверибди.

Янги-янги, кимматбаҳо либослар, шохона зиёфатлар. ўрмон ичра сайр қилганида эса дарахтларнинг ўзи унга йўл очиб берар экан.

Киз каштачилик билан шугуллана бошлабди. Тиккан зардўзлик буюмларидан жонажон отасига, опаларига совгалар юборибди. Энг чиройлисини меҳрибон хожасига такдим этибди. ўша деворлари ок мрамар билан безатилган хонага янада тез-тез бориб турадиган бўлибди. ўзи энг жарангдор сўзларни тизиб, хожасига гапирар экан-у, аммо жавобини ёзувдан ўқир экан, холос.

Вакт ўтган сайин бундай ҳаётга кўникиб ҳам қолибди. Қуллар унинг хизматига тайёр, нимани хоҳласа бирпасда мухайё қилишади. Ўғойибдан шу каср эгасини севиб қолганини хис этибди киз. Кўнгли сезадики у ҳам бефарқ эмас, ахир деворга ёзиладиган ўтли мисраларидан ҳам англаб олиш қийин эмасди. Энди хожасининг овозини эшитиб суҳбат қуришни хоҳлайди. Хўжайин эса кизнинг бу илтимосига рози бўлмайди, ўзининг кўпол овози билан бекасини чўчитиб юборишдан кўрқади. Киз жуда кўп ялингач хожаси ниҳоят у билан гаплашишга кўнибди ва мрамар деворга шундай сўзлар ёзилибди:

Бугун кечки пайт яшил богга келиб, ўзинг яхши кўрган гуллар билан ўралган айвончага ўтиргин ва: “Содик қулим мен билан суҳбатлаш”, деб айтгин.

Киз ўша жойга югуриб борибди, юраги гўё кафасдаги қушча қаби питирлар экан. У сўз бошлабди:

– Меҳрибон хожам, мени овозингиз билан чўчитиб юбораман деб ўтирманг. Сизнинг шунчалик қилган гамхўрликларингиздан кейин мен дахшатли йиртқичнинг ириллашидан ҳам чўчимайман.

Шундан кейин айвонча орқасидан ёввойи бўғик бир овоз эшитилибди, ҳалиям ярим овозда, паст гапираётган экан. Савдогарнинг кизи аввалига титраб кетибди, лекин

Ўзини тутиб олиб, кўрканини билдирмасликка ҳаракат қилибди. Махлукнинг овози дагал бўлса-да, сўзлари нақадар ёқимли. Ўшандан бошлаб киз ҳар куни шу ерга келадиган, соатлаб хожасининг гапларини тинглайдиган бўлибди.

– Суюкли, меҳрибон хожам, шу ердасизми? – деб сўраши биланок бир хил жавобни эшитаркан:

– Шу ердасан, гўзалликда бемисл хоним. Содик кулинг, ажралмас дўстинг шу ерда. Киз махлукнинг дахшатли овозидан кўркмайдиган, ширин сўзларини эринмай тинглайдиган бўлибди.

Орадан озми-кўпми вақт ўтиб махлукни ўзини кўришни истаб қолибди. Бу ҳақда анча ялинибди. Махлук аввалига сира кўнмабди, хунук башараси уни кўрқитиб юборишидан чўчир экан:

– ўзингни кўрсатгин деб сўрама, гўзал махбубам. Овозимга ўрганиб қолдинг, дўстона муносабатларимиз давом этапти. Менинг сенга бўлган оташин муҳаббатимни ҳам тушундинг. Агар хунук ва бадбашара киёфамга кўзинг тушса, мени ёмон кўриб қолсан ва мен бахтсиз бўламан. Хайдаб юборсанг, хижронга чидай олмай ўлишим аниқ жоним”. Киз эса бу сўзларни эшитишни хохламайди, махлукдан юзини кўрсатишни қайта –қайта сўрайди. Дунёдаги энг дахшатли нарсани кўрса ҳам чўчимаслиги ва хожасига бўлган севгисидан воз кечмаслигини айтиб ялинаверибди.

– Агар қари бўлсангиз менга бобо, ўрта яшар бўлсангиз менга амаки бўлинг. Ёш бўлсангиз сизни тутинган акам дейин, ўлгунича менга вафоли дўст бўлиб қолинг. Анчагача махлук бу илтимосларга қулоқ солмай юрибди. Лекин ахийри кизнинг кўз ёшларига чидай олмабди:

-Барибир сени ўзимдан кўра кўпроқ севаман. Биламанки, мени кўришинг билан муҳаббатимни рад этасан ва хажрингда адо бўламан. Лекин шундай бўлса-да, сенинг илтимосингни бажараман. Қош қорайганда яшил богга кел.

Қуёш ўрмон ортига яширингач:

– “Содик дўстим, ўзингни кўрсат”, деб айтгин. Мени кўргач бу қасрда яшагинг қелмай қолса-чи? Сени мажбурлашга ҳаддим сизмайди. Асира бўлиб қийналишингга қидолмайман.

ўша ўз ётоғингда, ёстигинг тағида менинг тилла узугимни топасан. Уни ўнг қўлинг жимжилогига тақсанг бўлди, отанг ёнида бўласан ва мен ҳақимда бошқа ҳеч нарса эшитмайсан.

Киз кўркмабди. Бир дақиқа ҳам иккиланмай яшил бог сари йўл олибди. Қош қорайиб қуёш ўрмон ортига ботгач у:

– “Содик дўстим, ўзингни кўрсат!”- дебди.

Шу пайт узокдан баҳайбат махлук кўринибди. Фақат рўпа радаги йўлақдан ўтибди-ю қалин буталар орасида йўқолибди. Унга кўзи тушган киз оҳ уриб, бақириб юборибди ва хушини йўқотиб йиқилиб тушибди. Махлук жудаям хунук экан: қўллари қингир-қийшиқ, панжаси йирткич хайвонники сингари, оёқлари отникидай қўпол, туя ўрқачи қаби букрилари ҳам бор, бутун бадани жун билан қопланган, сўйлоқ тишлари оғзидан чиқиб турар, бурни бургутникидай, кўзи эса бойўглиникидай эди.

Озми-кўпми вақт ўтиб ўзига қелибди. ўзининг берган сўзида туролмай кўркувини енга олмагани учун уялибди. Яна шундай дебди:

– Меҳрибон хожам, мен энди сира кўркмайман ва сиздан ажралмайман.

Яхшиликларингизни эсдан чиқариб бўларканми? Биринчи мартагина сал чўчидим, ҳолос. Махлук яна кўринибди. Фақат кизга яқин қелишга журъат эта олмабди. Ярим тунгахса

улар бирга сухбат куришибди. Кейинги куни яна ва яна... Хамиша бирга бўлиб, бўгу ўрмонларда сайр килишар экан, кизгин сухбатлар билан вақтни хушнуд ўтказишар экан. Кунлардан бир куни киз туш кўрса, отаси бемор ётганмиш. Хафа бўлиб йиглабди. Махлук уни шу ахволда кўриб, нега хафа эканини сўрабди. Киз айтиб берибди ва ундан отасини, опаларини кўриб келишга рухсат сўрабди.

– Мендан нега рухсат сўрайсан, боравер, ихтиёринг ўзингда – дебди махлук. – Ахир менинг тилла узугим ёстигинг тагида турибди-ку. Таксанг отанг ёнида бўласан. Факат бир нарса эсингдан чикмасин: роппа-роса уч кеча-ю уч кундуздан кейин кайтмасанг мен ўламан. Чунки, сени ўзимдан ҳам яхши кўраман. Ундан ортик айриликка чидай олмайман. Сенсиз яшай олмай, халок бўламан.

Киз унга худди ўша айтган вақтида кайтишга ваъда берибди. Узукни жимжилогига таккан экан, ўша захоти отасининг ховлисида бўлиб қолибди. Опалари унинг шохона либосига хаваслари келибди. Отаси севикли кенжа кизини эслайвериб, чиндан ҳам касал бўлиб колган экан. Уни кўриб хурсанд бўлиб кетибди. Киз махлукнинг саройидаги хаётини окизмай-томизмай айтиб берибди. Ота бўлса, ўша бадбашара махлукка у қандай ўрганганига хайрон бўлармиш. Ахир ўзи эсласа хали-хали юраги оркасига тортиб кетади-ю.. Опалари синглизининг бадавлат турмуши хақида эшитган сари хасадлари келармиш.

Биринчи кун бир соатдай, иккинчиси дақиқадай ўтибди. Учинчи куни кизнинг опалари у ерга кайтиб бормасликка кўндирмокчи бўлишибди: “ўлса ўлаверсин, нима киласан?” дейишибди.

Бундан кенжа кизнинг жахли чикибди:

– Агар менга кўрсатган меҳр-мурувватининг кадрига етмасам ўзим ҳам ўлимга лойикман, - дебди.

Отасига доно кизининг бу сўзлари маъкул тушибди. Опалари эса хасад ўтида ёнаётган экан. Бир шумликни ўйлашибди. Кизнинг кетар муддатига оз колганида улар уйдаги барча соатларни бир соатга оркага суриб кўйишибди. Бу хақида ота ҳам, хизматкорлар ҳам билмабди.

Вақт яқинлашган сайин кизнинг юраги санчаверибди. Соатга қарайверибди, қарайверибди сира вақти келмасмиш. Опалари эса хадеб уни гапга тутиб, кечиктирармиш. Нихоят, сабри чидамабди. Отажони, опалари билан хайрлашибди. Айтилган муддатга бир дақиқа колганида ўнг жимжилогига тилла узукни такибди. Шу захоти махлукнинг оппоқ деворли касрида кўрибди ўзини. Аммо, хар канча чакирмасин хожаси йўқ эмиш.

Охири бакириб юборибди:

– Каердасиз, меҳрибон хожам, содик дўстим? Нега мени кутиб олмайсиз? Айтилган вақтдан бир соат олдин етиб келдим.

Яна жимлик, сукунат. Хатто богдаги кушлар ҳам сайрамайди, фавворалардан сув отилмайди, мусика янграмайди. Кизнинг калби бир нохуш воқеани хис этиб, у барча хоналар ва богларни излаб чикибди. Ахири, ўша олов гул ўсиб турадиган жойга борибди. Тепаликда махлук гулни чангаллаганча жонсиз ётарди. Киз аввалига уни каттик ухлаб колган деб ўйлаб, уйготмокчи бўлибди. Хеч уйгонмасмиш. Шунда махлукнинг жунли кўлидан ушлаб, ўлганини билибди...

Кизнинг кўз олди коронгилашиб, оёқлари чалкашиб кетибди.

У тиззасига чўккалаб махлукнинг бадбашара калласини кучоклаганча ох тортибди:

– Уйгонинг асл дўстим. Сизни ўз каллигимдай яхши кўриб, севаман.

Шу сўзларни эндигина айтган хам экан-ки, бирданига момакалдирок гумбурлабди. Кучли чакмок чакиб, еру-кўк ларзага келибди. Киз хушидан кетибди. ўзига келиб караса, кимматбахо тошлар билан безатилган ажойиб тахтда ўтирган эмиш. Ёнида эса уни тож кийган, зарбоф тўнли шахзода, ёшгина бир барно йигит кучиб турар, отаси, опалари хам шу ерда, та`зимда эгилиб турган, хизматкорларнинг эса сон-саногии йўк эмиш. Чиройда тенгсиз шахзода унга караб шундай дебди:

– Мени бадбашара махлук кўринишида бўлсам хам, очик кўнглим учун севдинг. Энди инсоний киефамда хам сев. Менинг каллигим бўл, илтимос. Бир пайтлар бадавлат кирол отамга аччик килиб, жодугар кампирни ишга солиб мени сеҳрлаб ташлаган эди. У мени ўгирлаб кетиб, бадбашара махлукка айлантириб кўйганди. Токи бир гўзал киз мени севиб колиб, ўша кўринишимда менга эрга тегишга рози бўлмагунига қадар, ўшандай юришим керак эди. Качонки шундай воқеа юз берса, мен ўз холимга кайтишим сеҳр-жоду килинган эди. Шундай килиб роса ўттиз йил яшадим. Мана, сен мени ок кўнглим учун, сенга бўлган чексиз мухаббатим учун севдинг. Энди кудратли киролнинг рафи қаси, вафоли маликам бўласан жоним.

Савдогар кенжа кизи ва шахзодага ок фотиҳа берибди. Хамма келин-куёвни кутлабди. Уч кеча-ю уч кундуз дабдабали тўй бўлибди. ўша тўйда мен хам бор эдим.

Таржимон. М. Зохидова